



[TEL:\(67\)364-36-00](tel:(67)364-36-00), (67)364-36-02, E-maili.boyovut@sud.uz

**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Боёвут тумани

2023 йил 12 май

4-1203-2301/499-сон иш

Боёвут туманлараро иқтисодий суди, судья Ў.Йўлдошев раислигида, судья ёрдамчиси Х.Абдурахмоновнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар вакиллари ВВВ (09.01.2023 йилдаги №09-сонли ишончнома асосида) ва ААА (2023 йилдаги №21-сонли ишончнома асосида), жавобгар раҳбари ЧЧЧ иштирокида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ТТТнинг «ЖЖЖ» масъулияти чекланган жамияти манфаатида жавобгар «ППП» фермер хўжалигидан 82 429 498,55 сўм қарздорликни ундириш юзасидан иқтисодий ишни «ХХХ» масъулияти чекланган жамияти биносида ўтказилган очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ТТТ, «ЖЖЖ» масъулияти чекланган жамияти манфаатида судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар «ППП» фермер хўжалигидан 82 429 498,55 сўм қарздорликни ундиришни ва ишни палата вакили иштирокисиз кўришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакиллари шартнома мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам пахта етиштириш учун харажатлар қилингани, даъво ариза даъвогар томонидан тасдиқланган таққослаш далолатномаси асосида таёрланганлиги, 2022 йил пахта мавсумида жавобгар шартномада кўрсатилган маҳсулотларни топширмагани сабабли қилинган харажатлар ҳисобидан қарздорлиги вужудга келганлигини билдириб, даъво талабини қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар раҳбари даъвогардан қарзи мавжудлиги лекин даъво талабидаги миқдорда эмаслиги сабабли, мавжуд ҳужжатлар асосида қарор қабул қилишни сўради.

Суд, даъво аризаси юзасидан важларни иш ҳужжатлари билан биргаликда муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларига кўра, тарафлар ўртасида 2022 йил 1 апрелда пахта топшириш юзасидан фьючерс шартномаси имзоланиб, шартнома шартларига асосан жавобгар 2022 йил пахта мавсумида даъвогарга пахта топшириш даъвогар ўз навбатида пахтани қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 2.4.-бандига асосан буюртмачи (даъвогар) даъвогар хўжалик (жавобгар)ни агротехник тадбирлар учун бўнак маблағлари, ёқилғи мойлаш материаллари, минерал ўғит ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлаш мажбуриятини олган.

Даъвогар томонидан шартнома шартлари бажарилиб, жавобгар белгиланган тартибда уруғлик билан таъминланиб, аванс, иш ҳақи, терим пуллари молиялаштирилиб, ҳосилни етиштириш учун бошқа харажатлар қилинган, лекин жавобгар ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармасдан 2022 йил пахта мавсумида шартномада кўрсатилган (пахта) маҳсулотини тўлиқ етказиб бермаган.

Натижада палата даъвогар манфаатида судга мурожаат қилиб, жавобгардан аванс маблағи ва бошқа харажатлардан вужудга келган 82 429 498,55 сўм қарздорликни ундиришни сўраган.

Суд, ишни даъво ариза важлари, даъво талабига тўлиқ мос келмаганлиги сабабли тақдим этилган ҳужжатлар асосида кўришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 465-моддасига кўра, контракция шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга - тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда белгиланган баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Кодекснинг 437-моддасига кўра, маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Шунингдек кодекснинг 236-моддаси асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда кўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Хусусан шартноманинг 2.4.-бандига асосан буюртмачи (даъвогар) даъвогар хўжалик (жавобгар)ни агротехник тадбирлар учун бўнак маблағлари, ёқилғи мойлаш материаллари, минерал ўғит ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлаш мажбуриятини олган.

Тарафлар ўртасида 2022 йил пахта мавсумида пахта етиштириш ва топшириш назарда тутилган шартнома 2022 йил 1 апрелда имзоланиб рўйхатга олинган бўлсада, лекин харажатлар апрель ойидан олдин ва 1 апрелдан кейин ҳам амалга оширилган.

Шу сабабли даъво аризага илова қилинган 2022 йил апрелгача ва апрель ойидан кейин ҳам хар хил санада пахта етиштириш билан боғлиқ харажатлар қилинган ва жавобгар томонидан ушбу харажатлар электрон ҳисоб-фактуралар асосида қабул қилинган.

Электрон ҳисоб-фактураларда шартноманинг сана ва рақамлари хар хил кўрсатилган, ушбу ҳолатни даъвогар вакиллари ўша саналарда шартнома мавжуд бўлмаганлиги ва техник хато натижасида йўл қўйилганлигини билдирдилар.

Бундан ташқари 2022 йил пахта мавсумида даъвогар “Боёвут ҳосил ҳимоячиси” МЧЖга фермер хўжаликлари томонидан олинган хир хил кимёвий воситалар учун жами 1 020 000 000 сўм тўлаб берилиб, тақдим этилган рўйхат бўйича жавобгарнинг улуши 11 460 132,9 сўмни ташкил этган.

Шунингдек ҳисоб-фактураларда ҳар бир мажбуриятларнинг миқдори ва қийматидан ташқари устама тўловлари ёки пахта ҳосилига алоқаси бўлмаган ҳолатлар кўрсатилиб, ушбу устама ва бошқа ҳолатлар ҳам қарздорликка қўшилган.

Лекин даъвогар вакиллари томонидан устама ва пахта ҳосилига алоқаси бўлмаган, қонунда ёки шартномада назарда тутилмаган ҳолатларнинг асослилиги ҳужжатлар асосида тасдиқлаб берилмади, чунки пахта етиштириш билан боғлиқ харажатлар шартномага асосан даъвогарнинг мажбурияти ҳисобланади ва ушбу мажбуриятларни бажаришда устама ҳисоблаш ва бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган.

Юқоридагиларга асосан суд, ҳужжатлардаги сана ва рақамлар мос келмасда, пахта етиштиришда даъвогар томонидан қилинган харажатларга жавобгарнинг эътироз билдирмаганини инобатга олган ҳолда муҳокама қилишни лозим топади.

Мавжуд ҳужжатларга асосан молиялаштирилган маблағлар 91 526 725 сўмни ва бошқа харажатлар қиймати назарда тутилмаган хизмат ҳамда устамалардан ташқари 130 656 811,24 сўмни жами 222 183 536,24 сўмни ташкил қилиб, мавсумда 150 495 048,74 сўмлик пахта топширилиб, даъво аризадаги 36 003 126,9 сўм қайтарилган маблағ тасдиқлаб берилмади.

Ишни кўриш давомида жавобгардан 82 429 498,55 сўм қарздорликни ундириш сўралган бўлсада, даъвонинг 10 741 011,05 сўм миқдордаги қисми тасдиқланмади.

Мазкур ҳолатда суд, даъво талабини қисман қаноталантириб, жавобгардан даъвогар фойдасига даъвонинг тасдиқланган қисми 71 688 487,5 сўм асосий қарз ва 30 000 сўм почта харажати ундиришни ва тасдиқланмаган қисмини рад этишни, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддасига асосан даъвонинг қаноатлантирилган ва рад этилган қисмларига мутаносиб равишда 1 433 769,75 сўм давлат божи тўловини жавобгар ва рад этилган қисми бўйича 214 820,21 сўм давлат божи тўловини даъвогар зиммасига юклашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179-моддаларини қўллаб, суд

қ а р р к и л д и:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ТТТнинг «ЖЖЖ» масъулияти чекланган жамияти манфаатида жавобгар «ППП» фермер хўжалигидан 82 429 498,55 сўм асосий қарз ундириш тўғрисидаги даъво талаби қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар «ППП» фермер хўжалигидан, даъвогар «ЖЖЖ» масъулияти чекланган жамияти фойдасига 71 688 487,5 сўм асосий қарз ва 30 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар «ППП» фермер хўжалигидан Республика Бюджетига 1 433 769,75 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвобгар «ЖЖЖ» масъулияти чекланган жамиятидан Республика Бюджетига 214 820,21 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф, бир ой муддат ичида шу суд орқали, Сирдарё вилоят судига апелляция шикояти бериши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

Ў.Йўлдошев